

“КЕЛИШИЛГАН”

“Микрокредитбанк” АТБ
Бошқарув раиси ўринбосари в.в.б.

А.А.Мустафаев



“ 01 ” 2026 йил.

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“ISHONCH SUG'URTA
KOMPANIYASI” АЖ ҚҚ
Бош директори

Ж.З.Муқимдинов



“ 01 ” 2026 йил.

ГАРОВГА ҚЎЙИЛАЁТГАН МОЛ-МУЛКНИ СУГУРТА ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

Ушбу Қоида умумий сугурта соҳасининг 8 ва 9 класслари асосида ишлаб чиқилган.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Қоидалар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Сугурта бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан 2022 йил “25” ноябрда берилган 050411-сонли Лицензия асосида ўз фаолиятини амалга оширадиган “ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI” АЖ ҚҚ (кейинги матнларда “Сугурталовчи”) томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Қарз олувчилар (кейинги матнларда “Сугурта килдирувчи”) ва “Микрокредитбанк” АТБ ҳамда унинг филиаллари (кейинги матнларда “Наф олувчи”) ўртасида тузилган кредит шартномаси асосида “Гаровга қўйилаётган мол-мулкни сугурта қилиш” шартларини белгилайди.

1.2. Томонлар ўртасида сугуртага оид шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар мазкур Сугурта қоидалари ва уларнинг шартларини ўз ичига олган сугурта полисини топшириш орқали ўрнатилади. Сугурта шартномасини тузиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 369 ва 370-моддаларига мувофиқ, сугурта килдирувчига Оферта (мазкур Қоиданинг 1-иловасига мувофиқ) шаклида таклиф этилади. Ушбу Оферта сугурта мукофотини тўлаш орқали акцептланган тақдирда, Фуқаролик кодексининг 927-моддасига асосан, сугурта полисини (мазкур Қоиданинг 2-иловасига мувофиқ) расмийлаштириш орқали сугурта шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

1.3. Сугурта килдирувчи ушбу Қоидалар асосида сугурта полиси расмийлаштирилиши жараёнида, сугурта полиси амал қилиш муддати давомида унинг шахсий маълумотлари Сугурталовчи томонидан қайта ишланишига (йиғиш, тизимлаштириш, саклаш, ўзгартириш, тўлдириш, фойдаланиш, тақдим этиш, тарқатиш, узатиш, шахсини аниқлаш имконини бермайдиган шаклга келтириш ва йўқ қилиш) ўз розилигини беради.

Шу билан бирга, суғурта муносабатлари доирасида Суғурта қилдирувчи суғурта полисини расмийлаштириш вақтида тақдим этган мобил рақамга SMS-хабарномалар юборилишига ҳам розилик билдиради.

2. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

2.1. Қуйида келтирилган, ушбу Қоидаларда ишлатилган атамалар, агар бошқача тартиб алоҳида назарда тутилмаган бўлса, қуйидаги маъноларни англатади:

Суғурталовчи – Суғурта полисига мувофиқ суғурта товонини тўлаш мажбуриятини зиммасига олувчи юридик шахс.

Суғурта қилдирувчи (қарз олувчи) – Суғурта полиси (шартномаси)га асосан ўз мулкий манфаатини ёки учинчи томоннинг манфаатини суғурталайдиган томон.

Наф олувчи – Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта полиси бўйича суғурта қопламасини олиш учун белгиланган шахс.

Учинчи шахслар – Қарз олувчидан ташқари барча шахслар учинчи шахс ҳисобланади.

Гаровга қўювчи – бу шахс (жисмоний ёки юридик), ўз мулки ҳисобланган мол-мулкни қарз мажбуриятларини таъминлаш мақсадида гаров сифатида тақдим этувчи тараф. Қарздорнинг ўзи ҳам, учинчи шахс ҳам гаровга қўювчи бўлиши мумкин.

Суғурталанган мол-мулк – Наф олувчи томонидан гаровга олинган, суғурта қилиш манзилида жойлашган турар (якка тартибдаги уй-жой) ва нотурар жой объектлари, бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш объектлари, ускуналар, мебель, маиший техника ва ҳоказоларни билдиради.

Суғурта қиймати – Суғурта полиси расмийлаштирилаётган вақтдаги суғурта объектнинг қиймати. Ушбу қиймати Наф олувчи ҳамда суғурта қилдирувчи ўртасида тузилган далолатномада белгиланиши мумкин.

Суғурта суммаси – Суғурта полисида белгиланган пул маблағлари бўлиб, ушбу сумма миқдорида суғурта объекти суғурталанган, суғурталовчи суғурта ходисаси содир бўлганда етказилган зарарнинг ўрнини унинг доирасида қоплаш мажбуриятини олади.

Суғурта шартномаси – бу Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 369 ва 370-моддаларига мувофиқ тарзда суғурта қилдирувчига мазкур Суғурта қоидаларини Оферта шаклида тақлиф этилган ва суғурта муқофотини тўлаш орқали акцентланган, мазкур Суғурта қоидаларини ўз ичига олган суғурта полиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 927-моддасига асосан Суғурта қоидалари суғурта полиси алоҳида суғурта шартномаси сифатида ҳисобланади ва у суғурта шартномаси сифатида рўйхатдан ўтган индивидуал рақамга эга бўлади. (кейинги ўринларда суғурта полиси).

Суғурта полиси – Суғурта Қоидалари шартларини ўз ичига олган, суғурта қилиш амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Суғурта даври – суғурта полисида кўрсатилган, Суғурта қилдирувчи / Гаровга қўювчи томонидан суғурта муқофоти (унинг биринчи/навбатдаги қисми) ўз вақтида тўланиши шarti билан мазкур Қоидалар амал қиладиган вақт даври.

Суғурталовчи суғурта даври давомида содир бўлган ва Суғурта полисида кўрсатилган суғурта ходисалари бўйича ўз мажбуриятларини бажаради.

Суғурта мукофоти – Суғурта килдирувчи / Гаровга кўювчи мазкур Қоидаларда келишилган тартибда ва муддатларда Суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта хақи.

Суғурта ходисаси – Мазкур Қоидаларда шартлашилган ходисаларнинг рўй бериши натижасида, Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаб бериши юзасидан мажбуриятларини вужудга келиши.

Суғурта товони – суғурта ходисалари оқибатида етказилган зарарни Наф олувчига ёки унинг розилиги билан Суғурта килдирувчига / Гаровга кўювчига пул ўтказиш йўли билан суғурта суммаси доирасида қоплайдиган пул маблағлари миқдори.

Ёнгин – моддий бойликларнинг барбод бўлиши ва шикастланиши билан кузатиладиган ва одамлар ҳаётига хавф солувчи назорат қилиб бўлмайдиган ёниш жараёни.

Портлаш – портловчи модда ёки осон алангаланувчи модданинг ҳолатидаги тўсатдан ўзгаришлар содир бўлиши оқибатида энергиянинг ўта тез ажралиб чиқиши. Портлаш таъсирида етказилган зарар, агар ҳодиса хавфсизлик чоралари кўрилишига қарамадан, олдиндан айтиб бўлмайдиган шаклда содир бўлиб, бошқариб бўлмайдиган ҳолга айланса ва суғурта қилинган мол-мулкнинг барбод бўлиши ёки шикастланишига олиб келса ёхуд уни фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келтирса, суғурта ходисаси деб ҳисобланади.

Сантехника тизимларининг бузилиши оқибатида сув босиши – ичимлик суви, оқава сувлар, иситиш ва ёнгинга қарши, ҳаво ҳароратини маромида тутиш тизимларда қутилмаганда содир бўлган авария натижасида сув босишидан суғурталанган мол-мулкка зарар етиши.

Суғурталанган мол-мулкка учинчи шахслар томонидан зарар етказилиши – Суғурта килдирувчи / Наф олувчи / Гаровга кўювчи ёки унинг вакиллари бўлмаган шахслар томонидан Суғурталанган мол-мулкка ёки унинг алоҳида қисмларига қасдан жисмоний зарар етказилиши.

Бузиб ўғирлик қилиш – мулкка зўрлик ва куч ишлатиш услублари билан ўғирлик қилиш ёки бундай ўғирлик қилишга уриниш.

Жисмлар ёки учувчи аппаратларнинг қулаши – суғурта объектига жисмлар ёки учувчи аппаратлар, уларнинг қисмлари ёки юқларининг тушиши натижасида нобуд бўлиши ёки шикастланиши.

Табиий офат – хавфли ва (ёки) ноқулай табиат ходисалари, улар ўзларининг интенсивлиги (кучлилиги), тарқалиш кўлами ва (ёки) давомийлиги туфайли суғурталанган транспорт воситасининг шикастланишига олиб келиши мумкин. Ҳодисаларни табиий офатларга таснифлаш ваколатли органларнинг (гидрометеорология ёки сейсмология хизматлари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқалар) содир бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари (хулосалари) асосида амалга оширилади. Ушбу суғурта Қоидасида табиий офатлар деганда қуйидагилар тушунилади:

а) бўрон (довул) – 15 м/с дан юқори тезликдаги кучли шамоллар.

б) шамол таъсири – суғурталанган мол-мулкка ёки унинг яқинида бўлган мол-мулкка Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази маълумотномаси билан тасдиқланган 15 м/с ва ундан юқори тезликда шамол таъсир этиши.

в) ёгингарчилик – ҳар қандай миқдорда дўл ёки 12 соат ва ундан кўп вақт мобайнида 12 мм дан ортик ёққан ёмғир, қор.

г) кўчки – тоғ жинслари, денгиз ва дарёлар қирғокларининг муайян жойларини нураши ёки уларга ер усти ёхуд ер ости сувлари, ёгингарчиликлар таъсири, қирғок чизигининг ювилиши ва ушбу жинсларнинг оғирлик кучи таъсири ёхуд зилзила натижасида тўсатдан узилиб тушиши.

д) сел – тоғ ёнбағирларида, кўпинча дарёлар ўзани бўйлаб жала ёмғирлари ёки қор ёхуд музликларнинг жадал эриши оқибатида пайдо бўладиган лойқали, лойқа-тошли, лойқа-қумли оқимлар.

е) яшин уриши – булутлар ва ер ўртасида кучли электр разрядлар натижасида содир бўладиган табиат ҳодисаси. Ерга етган яшин ёнғин ва бузилишларни келиб чиқаради. Суғурта объекти яшин уришидан барбод бўлса ва шикастланса, суғурта товони барча вазиятларда тўланади.

ж) сув тошқини – сув ҳавзалари (дарё, қўл, денгиз)да сув сатҳининг юқори кўтарилиши ва қирғоклардан чиқиши оқибатда катта ҳудуддаги қуруқликнинг нисбатан тез даражада сув босиши.

з) зилзила – Рихтер шкаласи бўйича 4,0 баллик магнитуда ва ундан юқори бўлган ерости силкенишлар ва ер устки қатламнинг тебраниши.

Техноген ҳодисалар – муайян ҳудудда ўзидан сўнг кишиларнинг ҳаёт фаолиятига каттагина моддий зарар ҳамда унинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, стихияли офат натижасида юзага келган ҳолатдир.

Ушбу қоидаларга асосан Техноген ҳодисалар қуйидагилар билан чегараланади: Транспорт авариялари ва ҳалокатлари, Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, Ёнғин-портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар, Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар, Гидротехник ҳалокатлар ва авариялар.

Техноген ҳодисалар Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқалар томонидан содир бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари (хулосалари) асосида аниқланади.

Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома – Суғурталовчи рўй берган ҳодисани суғурта ҳодисаси деб тан олганидан сўнг тузиладиган ва суғурта товонини тўлашга асос бўладиган ҳужжатдир.

Суғурта ҳудуди – Ўзбекистон Республикаси.

Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими – (бундан буён матнда Ягона тизим деб юритилади) – манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимлари ва марказий маълумотлар базалари, жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базалари билан интеграциялашган суғурта бозори маълумотларини ҳисобга олиш ва истеъмолчиларга электрон суғурта хизматларини кўрсатиш имкониятини таъминловчи ягона тизим. Суғуртанинг барча турлари бўйича суғурта полислари Ягона тизим орқали рўйхатдан ўтказилади ва суғурта полислари ушбу тизим орқали расмийлаштирилади.

2.2. Ушбу Қоидада қўлланиладиган барча таърифлар ушбу Қоидада улар учун белгиланган маънога эга. Агар мазкур Қоидаларда бирор атама учун ҳеч қандай тавсиф бўлмаса, уларнинг маъноси Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

3. СУГУРТА ОБЪЕКТЛАРИ ВА СУБЪЕКТЛАРИ

3.1. Суғурта объекти бўлиб, мазкур Қоидаларда кўзда тутилган суғурта ҳодисаси юз бериши натижасида мол-мулкнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), камомади ёки шикастланиши (унга зарар етиши, йўқ қилиниши) таваккалчилиги билан боғлиқ мулкнинг манфаатлари ҳисобланади.

3.2. Суғурта субъектлари бўлиб, Суғурталовчи ҳамда Суғурта полисида Суғурта килдирувчи ва Наф олувчи (банк) сифатида кўрсатилган - ҳуқуқий шаклдан қатъий назар юридик шахслар ҳамда меҳнатга лаёқатли жисмоний шахслар ҳисобланади.

3.3. Суғуртага Суғурта килдирувчи / Гаровга қўювчига қонуний асосларда тегишли бўлган мол-мулкгина қабул қилиниши мумкин. Суғурталовчининг жавобгарлиги суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда Суғурта килдирувчи томонидан кўрилган зарарни (суғурта суммаси доирасида) қоплаш билан чекланади.

3.4. Суғуртага кредит таъминоти учун гаровга қўйилган мол-мулклар қабул қилинади.

4. СУГУРТА ҲОДИСАЛАРИ

4.1. Мазкур Қоидаларда белгиланган муддатлар, шартлар ва истисноларга мувофиқ, суғурта полисида кўрсатилган суғурталанган мол-мулкка, йўқолиш (нобуд бўлиш), зарар етиш таваккалчиликлари бўйича, Суғурталовчи Суғурта килдирувчига / Наф олувчига / Гаровга қўювчига қуйида келтирилган ҳодисалар содир бўлишида суғурта ҳимоясини беради:

- ёнғин, портлаш, чакмоқ уриши;
- ички сантехника тизимларининг бузилиши оқибатида сув босиши;
- суғурталанган мол-мулкка учинчи шахслар томонидан зарар етказилиши;
- табиий офатлар;
- бузиб уғирлик қилиш;
- жисмлар ёки учувчи аппаратларнинг қулаши;
- техноген ҳодисалар;
- қалин қор ёғиши, музлаш ва муз тушиши натижасида зарар етказилиши;
- тупрокнинг чўкиши ва емирилиши.

5. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР

5.1. Мазкур Қоидалар доирасида Суғурталанган мол-мулкнинг қуйидагилар оқибатида йўқолиши, нобуд бўлиши ёки зарар етказилиши суғурта ҳодисаси деб ҳисобланмайди:

5.1.1. Турли ҳарбий ҳаракатлар.

5.1.2. Ядро портлаши, радиация ёки радиоактив захарланиш таъсирида.

5.1.3. Суғурталанган мол-мулкка нисбатан, Суғурта килдирувчининг / Наф олувчининг / Гаровга қўювчининг суғурта ҳодисасини юзага келишига қаратилган қасддан қилинган ҳаракати, уларнинг ўз фуқаролик бурчларини бажаришга боғлиқ

ёки Суғурта қилдирувчини / Наф олувчини / Гаровга қўювчини, шунингдек учинчи шахсларни ҳаётини асраб қолиш учун қилган ҳаракатлари бундан мустасно.

5.1.4. Текширувлар натижасида аниқланган, яширин ёки очигдан очик ўгирланиши, Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Гаровга қўювчи ёки уларнинг ҳар қандай вакиллари томонидан суғурта товонини олиш мақсадидаги ноқонуний ҳаракатлари.

5.1.5. Суғурта даврининг бошланишига қадар мавжуд бўлган нуксонлар ёки камчиликлар, Суғурта қилдирувчини / Наф олувчини / Гаровга қўювчини ёки уларнинг вакиллари ва Суғурталовчининг бундай нуксонлар ёки камчиликлардан хабари бўлган бўлса.

6. СУҒУРТА СУММАСИ ВА СУҒУРТА МУКОФОТИ

6.1. Суғурта баҳосининг тўлиқ бўлмаган қиймати бўйича суғурта қилинганида, Ўзбекистон Республикаси ФК нинг 936-моддасига биноан зарарни қоплаш қиймати суғурта суммасининг суғурта қийматига нисбатан мутаносиб равишда камайтиради.

6.2. Суғурта қиймати ҳамда суғурта суммаси ҳар бир суғурта полиси бўйича алоҳида кўрсатилади.

6.3. Суғурта мукофоти суғурта пулини суғурта тарифига ҳамда суғурта даврига кўпайтириш орқали аниқланади ҳамда суғурта полисида кўрсатилади.

6.4. Ушбу Қоидалар бўйича барча ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда амалга оширилади.

6.5. Мазкур Қоидаларда франшиза қўлланилмайди.

7. СУҒУРТА ПОЛИСЛАРИНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Ушбу Қоидага асосан бериладиган суғурта полислари суғурта мукофоти тўланган пайтдан бошлаб кучга киради ва томонлар суғурта полиси бўйича ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларни тўлиқ бажаргунгача амалда бўлади.

7.2. Суғурталовчининг ёки унинг ваколатли шахсининг ҳисоб рақамига белгиланган микдордаги пул маблағлари келиб тушган кун, суғурта мукофоти қирим қилинган кун деб ҳисобланади.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Суғурта полисининг амал қилиш даврида мазкур Қоидаларга асосан:

8.1.1. Суғурта қилдирувчи / Гаровга қўювчи / Наф олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Суғурталовчи билан келишилган ҳолда мазкур Қоидаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

б) суғуртага оид саволлар бўйича Суғурталовчидан маслаҳат олиш;

в) мазкур Қоидаларда кўрсатилган тартибда суғурта товонини олиш.

8.1.2. Суғурта қилдирувчи / Гаровга қўювчи қуйидагиларга мажбур:

а) мазкур Қоидаларда белгиланган тартиб ва муддатларда суғурта мукофотини тўлаш;

б) Суғурта полисининг амал қилиш даврида суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта полиси расмийлаштирилаётганда суғурталовчига маълум қилинган

ҳолатларда юз берган, ўзига маълум бўлган муҳим ўзгаришлар тўғрисида, агар бу ўзгаришлар суғурта хавфи ортишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, суғурталовчига дарҳол хабар қилиши;

в) Суғурта ходисасининг юзага келиш эҳтимолини олдини олишда ўзига боғлиқ барча имкониятларни қўллаши. Суғурта ходисаси эҳтимоли мавжуд ходисалар юзага келиши билан, мазкур Қоидаларнинг 9.2-бандида кўрсатилган ҳужжатларни ҳамда 9.1.1-бандида кўрсатилган муддат ва усулларда Суғурталовчини огоҳлантириши;

г) суғурталанган мол-мулкни ёнгин хавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилган ҳолда сақлашга, назорат органлари талаблари бажарилишини таъминлашга, бино, иншоот ва бошқа мол-мулкдан фойдаланиш тартиб қоидаларига риоя қилишга, шунингдек белгиланган тартибларга асосан тўлиқ ва жорий таъмирлаш ишларини олиб бориши;

д) суғурталанган мол-мулкдан фойдаланишда, ишлатишда ҳамда сақлашда ишлаб чиқарувчининг кўрсатмаларига (йўриқнома, эслатма) қатъий риоя қилиши;

е) талаб қилинган ҳолатларда, содир бўлган ҳодиса ҳақида ваколатли органларга (ЁХБ, ИИБ, ва бошқ.) дарҳол хабар бериши;

ж) Суғурталовчига Суғурталанган мол-мулкнинг шикастланганлигини кўриш учун тақдим қилишга, Суғурталанган мол-мулкнинг барча шикастланган қисмларини фото ва видео тасвирга олиши;

з) Суғурталанган мол-мулк ҳақида Суғурта қилдирувчи томонидан хабар қилинган маълумотларнинг ҳақиқийлигини ҳамда Суғурта полисининг амал қилиш даврида Суғурталанган мол-мулк ҳолатини Суғурталовчи томонидан текширишига имкон яратиб бериши шарт.

8.1.3. Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи ва Гаровга қўювчи қуйидагиларга мажбур:

а) Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Гаровга қўювчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ давлат органлари ва бошқа ташкилотларга маълумот тақдим этиши лозим бўлган ҳолатлардан ташқари, Суғурталовчидан олинган маълумотларни сир сақлаши;

б) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган даъво қилиш муддатлари давомида аниқланган ҳолатлар, Суғурта қилдирувчини / Наф олувчини / Гаровга қўювчини қонунан ёки мазкур Қоидаларга мувофиқ суғурта товонини олиш ҳуқуқидан тўлиқ ёки қисман маҳрум қилинишига олиб келадиган ҳолатлар аниқланса, Суғурталовчига суғурта товонини тўлиқ ёки маълум қисмини қайтариши шарт.

8.1.4. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган, шунингдек, мазкур Қоидаларнинг 8.2-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилмаган ҳолларда суғурта товонини тўлашни рад этиш;

б) Суғурта полиси амал қилиш даврида Суғурталанган мол-мулк қийматини ва ҳолатини текшириш, шунингдек Суғурта ходисасини юзага келиш эҳтимолини олдини олиш бўйича огоҳлантирувчи чора-тадбирларни амалга ошириш;

в) Суғурта ходисасини юзага келиш хавф даражасини тавсифловчи кўшимча хужжатларни талаб қилиш. Суғурта полисининг амал қилиш даврида хавф даражаси ўзгарган тақдирда суғурта мукофотини ошириш ёки камайтириш;

г) Суғурта қилдирувчи / Гаровга кўювчи / Наф олувчи томонидан хабар қилинган маълумотларни, шунингдек Суғурта қилдирувчи / Гаровга кўювчи / Наф олувчи томонидан мазкур Қоидалар шартлари бажарилишини текшириш.

д) Регресс тартибида суғурта суммаси (ундирилганда) ундириш белгиланганда, айбдорнинг ҳисоб варағидан акцептсиз тартибида пул маблағлари ундириб олинади.

8.1.5. Суғурталовчи қуйидагиларга мажбур:

а) мазкур Қоидаларда белгиланган муддатда Суғурта полисини тақдим қилиши;

б) барча зарур хужжатларни қабул қилгандан ва суғурта ходисаси юзага келганлигини тан олганидан сўнг мазкур Қоидаларда келишилган миқдорда ва муддатларда суғурта товонини тўлаб бериши;

в) Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунларига мувофиқ давлат органларига маълумот тақдим этиши лозим бўлган ҳолатлардан ташқари, Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Гаровга кўювчидан олинган маълумотларни сир сақлаши;

г) Суғурта масалалари ҳақида Суғурта қилдирувчига маслаҳатлар беришга.

9. СУҒУРТА ДАЪВОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

9.1. Мазкур Суғурта Қоидалари шартларига кўра Суғурталовчига нисбатан суғурта товонини тўлаб бериш талаби қўйилишини асослаб берувчи ҳодиса юзага келганда, Суғурта қилдирувчи / Гаровга кўювчи / Наф олувчи мажбуриятлари:

9.1.1. Бу ҳақда Суғурталовчини ҳар қандай қулай усул билан 15 (ўн беш) кундан кечиктирмаган ҳолда дарҳол хабардор қилишга, имконият юзага келиши билан суғурта ходисаси юзага келгандан 15 (ўн беш) иш кунидан кечиктирмаган ҳолда Суғурталовчига ҳодиса сабаблари ва ҳолатлари тўғрисида ёзма хабарнома юборишга;

9.1.2. Қонунчиликда назарда тутилган барча ҳолларда (ёнгин, портлаш, бузғунчилик, ўғирлик содир этилиши, учинчи шахслар томонидан Суғурталанган мол-мулкга зарар етиши ва бошқалар) ваколатли органларга (ЁХБ, ИИБ, ва бошқалар) содир бўлган ҳодиса ҳақида дарҳол хабар беришга;

9.1.3. Суғурталовчига Суғурталанган мол-мулкни зарарланганлигини кўрикдан ўтказиш учун тақдим этишга, агар бунинг имконияти бўлмаса, тиклаш ишлари бошлангунига қадар Суғурталанган мол-мулкнинг барча зарарланган қисмларининг фото ёки видео тасвирини олишга;

9.1.4. Суғурталовчига ҳодиса юзага келгандан сўнг 30 кундан кечиктирмаган ҳолда мазкур Қоидаларнинг 9.2. ва 9.3. бандларида кўрсатилган хужжатларни тақдим қилинишга, агар қонунчиликда бошқа муддат кўзда тутилмаган бўлса ёки ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ушбу муддатда тақдим эта олмаса.

9.2. Суғурталовчининг суғурта ходисаси тўғрисидаги қарори суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этган қуйидаги хужжатларни ўрганиб чиққанидан сўнг қабул қилинади:

а) Суғурта полиси;

б) Ҳодисаларни юзага келиш вазиятларини текшириш ва/ёки тергов олиб боришга ваколатли (ЁҲБ, ИИБ ва бошқалар) органларнинг тасдиқловчи ҳужжатларини (қарор, хулоса, маълумотнома, далолатнома ва шунга ўхшаш);

в) зарар кўрган Суғурталанган мол-мулкга эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари (кадастр ҳужжатлари, олди-сотди шартномалари, заёмлар, ижара шартномалари, чеклар, техник паспортлар ва хоқозо);

г) зарар кўрган Суғурталанган мол-мулкни қайта тиклаш учун зарур бўладиган, қилинадиган ишлар, сарфланадиган материаллар кўрсатилган, баҳоловчи / пудратчи / смета тузувчи ташкилотлар томонидан тузилган моддий зарарлар сметаси / баҳолаш / ҳисоботларининг (шунингдек (ички нархларда) материаллар / хомашёлар / маҳсулотлар тан нархи сметаси) асл нусхалари;

д) табиий офатлар (бўрон, жала, тўфон, дўл, кучли қор кўчиши, ўпирилиш, ер чўкиши, кўчки, сел, яшин уриши, зилзила ва бошқалар) рўй берган ҳолатларда ваколатли идоралар (Ўзгидрометорология маркази, Давлат геология қўмитаси ва бошқалар) томонидан берилган маълумотнома;

е) зарар етказилишини тасдиқловчи далилий, шунингдек содир бўлган ҳодиса сабаблари ва ҳолатларини аниқлаштирувчи бошқа ҳужжатлар.

9.3. Зарур бўлса, суғурта ҳодисаси содир бўлган ҳолатларни аниқлаш учун Суғурталовчи суғурта ҳодисаси билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

9.4. Суғурта қилдирувчи / Гаровга қўювчи / Наф олувчи томонидан ҳар қандай йўқотишлар ва / ёки зарарлар ҳақида хабар берилганида, Суғурталовчи зарар сабабларини, ҳолатини ва кўринишини батафсил ўрганишга ўз ходимини ёки даволарни кўриб чиқиш топширилган бошқа шахсни юборишга ҳақлидир.

9.5. Мазкур ҳодисага таалукли барча ҳолатлар ўрганиб чиқилгандан сўнг, Суғурталовчи томонидан содир бўлган ҳодисани суғурта ҳодисаси деб тан олиниши ёки тан олмаслиги тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

Суғурталовчи томонидан рўй берган ҳодиса суғурта ҳодисаси деб тан олинса, тўланиши керак бўлган суғурта товонининг суммаси белгиланади ва ушбу сумма суғурта ҳодисаси бўйича тузилган Далолатномада кўрсатилади.

9.6. Суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори Суғурта қилдирувчига / Наф олувчига / Гаровга қўювчига, уларнинг суғурта товонини тўлашни сўраб мурожаат этганларидан кейин 15 (ўн беш) кундан кечиктирмай (агар 15 (ўн беш) кундан ортиқ вақт талаб этилмаса) хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослангирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

9.7. Суғурталовчи суғурта ҳодисаси рўй берганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўла туриб бошқа ҳужжатларни талаб қилишга ҳамда суғурта товонини тўлашни рад этишга ҳақли эмас.

10. СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТўЛАШ ТАРТИБИ

10.1. Мазкур Қоида бўйича суғурта товони қуйидаги тартибда тўланади:

10.1.1. Суғурталанган мол-мулкнинг йўқолиши (бутунлай нобуд бўлиши) – суғурта суммаси доирасида.

10.1.2. Суғурталанган мол-мулкнинг зарар кўриши (кисман вайрон бўлиши) – қайта тиклаш харажатлари миқдорида.

10.2. Қайта тиклаш харажатлари таркибига таъмирлаш (қайта тиклаш) учун сарфланадиган харажатлари киради.

10.2.1. Қайта тиклаш харажатларга қуйидагилар кирмайди:

а) суғурталанган мол-мулкни ўзгартириш, янгилаш ва қайта ўзгартиришга сабаб бўладиган қўшимча харажатлар;

б) ҳар қандай тўғридан – тўғри ва билвосита солиқлар;

в) асоссиз харажатлар.

10.3. Суғурталовчи зарарни, унга тақдим қилинган ҳисоб ва ҳужжатларга асосан, таъмирлаш ишлари бажарилганлигига ёки зарарланган қисмлар алмаштирилганига амин бўлиши шарти билан қоплаб беради.

10.4. Агар Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Гаровга қўювчи учинчи шахслар томонидан етказилган зарар қопламасини олган бўлса, Суғурталовчи учинчи шахслар томонидан тўланган сумманинг, суғурта қоидаларига мувофиқ тўланадиган суммага нисбатан фарқини қоплаб беради. Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Гаровга қўювчи Суғурталовчини бундай суммалар ҳақида 15 (ўн беш) иш куни ичида хабардор қилиши лозим.

10.5. Агар Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Гаровга қўювчи суғурта қилинган мол-мулк бўйича суғурта товонини олгандан сўнг, айбдор ёки бошқа шахс томонидан компенсация қилинганда ёки суғурта ҳодисаси туфайли ҳар – қандай йўқотилган эгаллик қилиш / фойдаланиш / жойлатириш ҳуқуқини қайтариб олганда, унда Суғурта қилдирувчи / Гаровга қўювчи компенсацияни ёки суғурталанган мол-мулкни ўз ихтиёрига қайтариб олган кундан 15 (ўн беш) иш куни ичида Суғурталовчига қопланган товон суммаси миқдорини мутаносиб равишда қайтариши керак.

10.6. Суғурта ҳодисаси юз берганида, Суғурталовчи томонидан зарарни қоплаб бериш бўйича амалга оширилган ҳар бир тўлов суғурта суммасини бундай тўлов миқдорига қамайтиради, агар Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта суммасини қайта тиклаш учун қўшимча суғурта мукофоти тўланмаган бўлса. Суғурта суммасини қайта тиклаш пайтида Суғурталовчи зарар миқдоридан ва вазиятдау келиб чиқиб ошириш коэффициентларини қўллаши мумкин.

10.7. Суғурта товонининг тўлови суғурта ҳодисаси тўғрисидаги Далолатнома имзолангандан кейин 5 (беш) кун ичида амалга оширилади.

11. СУГУРТА ПОЛИСЛАРИНИНГ БЕКОР БЎЛИШ ТАРТИБИ

11.1. Суғурта полисининг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

– унинг амал қилиш муддати тугаганда;

– суғурта полиси томонларнинг келишувига кўра бекор қилинганда;

– Суғурталовчининг ёки юридик шахс бўлган Суғурта қилдирувчининг Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан белгиланган тартибда тугатилганда;

– суд суғурта полисини ҳақиқий эмас деб тан олиш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса;

– Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

11.2. Кредит шартномаси бўйича мажбуриятлар Суғурта қилдирувчи ёки учинчи шахслар томонидан муддатидан олдин тўлиқ бажарилган тақдирда, суғурта полиси Суғурта қилдирувчининг ёзма аризаси ва наф олувчининг ёзма розилигига кўра, ушбу ҳужжатлар Суғурталовчига тақдим этилган кундан бекор қилинади, бундай ҳолатларда Суғурталовчи суғурта мукофотининг бир қисмини суғурта амал қилган вақтга мутаносиб равишдаги миқдорини чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

11.3. Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи Суғурта полисидан муддатидан олдин бекор бўлганда, Суғурталовчи суғурта товонини унинг суммасидан қатъий назар тўлаган бўлса ёки унинг зиммасида суғурта ходисаси юз бериши билан боғлиқ суғурта товонини тўлаш бўйича мажбурият бўлса, суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти қайтариб берилмайди.

11.4. Кредит шартномаси бўйича кредит берувчи томонидан кредит ажратилмаган ҳолатларда суғурта полиси (шартномаси) суғурта қилдирувчининг ёзма аризаси ва наф олувчининг маълумотига кўра муддатидан олдин бекор қилинади, бундай ҳолатларда Суғурталовчи суғурта мукофотининг бир қисмини суғурта амал қилган вақтга мутаносиб равишдаги миқдорини чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

12. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

12.1. Ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

12.2. Томонлар суғурта Қоидалари бўйича ўз мажбуриятларини енгилмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг таъсири туфайли бажара олмаган ҳолатларда жавобгарликдан озод қилинадилар. Енгилмас куч ҳолатларининг таъсирига тушган томон иккинчи томонга кўрсатилган ҳолатлар юзага келгани ва сакланиши эҳтимоли борлиги ҳақида хабар дарҳол бериши керак. Енгилмас куч (форс-мажор) ҳолатлари тугаганидан сўнг, суғурта полисининг амал қилиши давом этади.

13. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

13.1. Мазкур Қоидаларда кўзда тутилган ёки у билан боғлиқ баҳслар, талаблар ёки келишмовчиликлар юзага келган ҳолатларда томонлар уларни музокара йўли билан бартараф қилиш чораларини кўрадилар.

13.2. Агар томонлар музокаралар орқали тинч йўл билан келишмаса, суғурта полиси, унинг тузилиши, ўзгариши, тугатилиши, бекор бўлиши, ҳақиқий эмаслиги, тузилмаганлиги (тўлиқ ёки қисман) билан юзага келган ёки келиб чиқадиган барча низолар, келишмовчиликлар, талаблар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра суд тартибида ҳал этилади.

14. СУБРОГАЦИЯ

14.1. Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Гаровга қўювчининг суғурта натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқи тўланган

сумма доирасида суғурта товонини тўлаган Суғурталовчига ўтади, бунда Қарз олувчи / Суғурта қилдирувчи / Гаровга қўювчи ва уларнинг яқин қариндошлари ёки суғурталанган мол-мулкка эгалик / фойдаланиш ҳуқуқи бор шахслар айбдор ҳисобланган ҳоллар бундан мустасно.

14.2. Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Гаровга қўювчи Суғурталовчи ўзига ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва далилларни Суғурталовчига бериши ҳамда барча маълумотларни унга маълум қилиши шарт.

14.3. Агар Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Гаровга қўювчи, Суғурталовчи томонидан қопланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки бу ҳуқуқни амалга ошириш Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Гаровга қўювчининг айби билан мумкин бўлмаган бўлса, бунга қадар суғурта товонини тўлаган Суғурталовчи, тўланган суғурта товонини қайтарилишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

15. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

15.1. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда уларнинг ҳар бири ўз фаолиятида коррупцион ҳаракатларни тўлиқ таъқиқлаш ва ҳар қандай шаклда ёрдам (бевосита ёки билвосита), шу жумладан пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар, бошқа мол-мулк ёки мулкӣй ҳарактердаги хизматлар, бошқа мулкӣй ҳуқуқларни олиш/бериш, муайян масалаларни тезроқ ҳал қилишни таъминлаш, маъмурий ва бошқа тартиб-қоидаларни соддалаштириш, ракобат ва бошқа афзалликларни таъминлашни тўлиқ рад этади. Томонлар ўз фаолиятида амалдаги қонунчилик, шунингдек унинг асосида ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашишга қаратилган сиёсат ва тартиб (агар мавжуд бўлса) талабларига амал қиладилар.

15.2. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш чоғида на ўзлари, на ижроия органи, на уларнинг масабдор шахлари ёки ходимлари бирон-бир шахсларга (жумладан, жисмоний шахслар, тижорат ташкилотлари ва давлат мансабдор шахслари) коррупцион тўловларни тақдим этишни таклиф қилмаслигини, тақдим этмаслигини, розилик бермаслигини, шунингдек ҳар қандай шахсдан (тўғридан тўғри ёки билвосита) ҳар қандай коррупцион тўловларни олишга ёки қабул қилишга рози бўлмасликларини қафолатлайди.

15.3. Мазкур бўлимнинг бирон бир шартлари бузилган тақдирда, тегишли тараф бошқа тарафни бундай бузилиш содир бўлган кундан бошлаб 5 (беш) иш кун ичида ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Тараф ёзма хабарномада ушбу бўлимнинг қайси бир қоидалари бузилганлигини тасдиқловчи ишончли фактлар ва материалларни тақдим қилиши шарт.

Ёзма хабарномалар “Микрокредитбанк” АТБнинг алоқа тармоқлари ёки Суғурталовчининг ишонч телефонлари орқали амалга оширилади.

15.4. Ушбу бўлим қоидалари тарафлардан бири томонидан бузилганлиги факти тасдиқланганда ва/ёки бошқа тарафнинг қоидабузарликларни кўриб чиқиш ҳақида хабарнома натижалари юзасидан маълумот тақдим қилмаган тақдирда, бошқа тараф шартномани бир тарафлама қисман ёки тўлиқ бекор қилишга ҳақли.

15.5. Мазкур Қоида бўйича берилган сугурта полисларини коррупцияга қарши шартларга асосланиб бекор қилган тараф, бундай бекор қилиш натижасида етказилган ҳақиқий зарарни талаб қилишга ҳақли. Зарарларни қоплаш тарафлар томонидан ёзма равишда тасдиқланаган далолатномада белгиланган муддат ва миқдорда амалга оширилади.

16. БОШҚА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур Қоидаларга киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёзма шаклда бажарилиши лозим.

16.2. Томонларнинг мазкур Қоидаларда баён этилмаган барча ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан тартибга солинади.

